МАШИНА БЕЗАКЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

АНДИЖОН. Яқиндагина енгил машиналар учун юмшоқ ўриндиқлар тайёрловчи "Ўз-Тонг-Хонг" қўшма корхонаси иш бошлаган эди. Энди "ЎзДЭУавто" билан ҳамкорликда яна бир корхона фойдаланишга топширилди. Бу гал "Ўз-Дон-Янг-Ко" билан ҳамкорлик қилинди. Мебель комбинати базасида ишга туширилган бу корхонага, шунингдек, "Дон-Сео-Ки-Янг-Ко" (ЛТД) компанияси, "Ўзавтосаноат" ассоциацияси кўмакчилик қилмоқда. "Андижонжамфирлойиҳақурилиш" трестининг 105-кўчма механизациялашган жамланмаси барча ишларни вақтида уддаламоқда. Корхонада ҳар сменада 600 туркумдан иборат "Тико", Дамас", "Нексия" машиналари учун пардоз қисмлар тайёрланмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

"МУСТАҚИЛЛИК ФАХРИЙЛАР ТАҚДИРИДА"

НУКУС. Республика фахрийларининг "Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими Мустақиллик байрами олдидан ўзига хос кўрик-танлов ўтказадиган бўлди. Танлов "Мустақиллик фахрийлар тақдирида" мавзуида бўлиб, асосан Ватанни мадҳ этувчи, инсон манфаатларини ифода этувчи, тадбиркорлар, элим ва юртим деб яшаётган ёшлар ҳақидаги публицистик мақолалар қабул қилинади. Мақолалар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ёритилади. Голибларга 5000, 3000 ва 1000 сўмлик мукофотлар таъсис этилган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ЙИЛНОМАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР
8 ИЮЛЬ

САЙЁҲЛАРГА ЁҚИБ ҚОЛДИ

БУХОРО. Қадимий шаҳарнинг XXV асрлик тўйига ғиждувонлик машҳур кулол Алишер Нарзуллаев оиласи ҳам муносиб совға тайёрламоқда. Кулолчилар миллий халқ ўйинлари ифода этилган эсдалик буюмларини савдога чиқаришди. Қувончли томони шундаки, бу маҳсулотларнинг дастлабки харидорлари Англия, Германиядан келган сайёҳлар бўлишди.

Даврон БАҲРОНОВ.

200 КИШИ ИШЛИК БЎЛДИ

САМАРҚАНД. Каттақўрғон туманидаги Марди Султонов номли жамоа хўжалигида пахта заводи фойдаланишга топширилди. Корхона 16 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Муҳими, заводнинг ишга туширилиши билан 200 нафар киши иш билан таъминланди. Корхонани Каттақўрғондаги 180-механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари қуриб бердилар.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1997 йил 8 июль, сешанба № 79 (22.163). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

1994 йил 8 июль — ***Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари Алматида учрашиб, Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожланиш банкини таъсис этиш тўғрисидаги битимни имзолашди. Учрашув давомида бошқа кўплаб ҳужжатларга ҳам имзо чекилди.***

1996 йил 9 июль — ***Тошкентда Ўзбекистон, Озарбойжон, Грузия, Туркманистон ва Руминия ҳукумати делегацияларининг транспорт соҳасида ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди. Айниқса, коммуникация тизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди.***

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Суратда: қабул пайти. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

7 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония либерал-демократик партияси вице-президенти Кейзо Обучи раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур делегациянинг ушбу ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1996 йилда 50 миллион АҚШ долларини ташкил этди, — деди Ислом Каримов. — Бироқ, Япония божхона хизматининг маълумотларида бу кўрсаткич 145 миллион доллар, деб қайд этилган. Яъни, ўзаро товар айирбошлашимиз аксар ҳолларда учинчи мамлакатнинг воситачилиги орқали бўлаётир. Биз ўртамизда воситачилар бўлишини истамаймиз. Ўзбекистон Япония учун ҳамиша очиқ.

Япония делегацияси раҳбари Кейзо Обучи самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

— Халқаро майдонда, хусусан, БМТ Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлишимизда Японияни қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан жуда миннатдормиз, — деди жумладан у. — Оқилона юритилаётган сиёсат туфайли катта ютуқларга эришаётган Ўзбекистоннинг бу хайрихоҳлиги биз учун жуда муҳимдир.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимизнинг нефть-газ, тоғ-кон ва тўқимачилик саноати ҳамда коммуникация, транспорт тизимини ривожлантиришда биргаликда саъй-ҳаракат қилиш ҳамда қатор бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В. Норов, В. Голишев, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, В. Чжен, Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки раиси Р. Азимов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Қабул маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коуичи Обата ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида

***«Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантиришлар ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш, қўшма ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишни ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси* қарор қилади:**

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низом;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низом.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг биринчи раҳбарлари зиммасига уларнинг ходимлари томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва тегишли рўйхатдан ўтказишнинг тасдиқланган тартиби ва муддатларига қатъий риоя этилиши юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

2. Муассислар таъсис шартномасида белгиланган муддатда устав жамғармасини шакллантириш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришган тақдирда, 1997 йил 1 январгача давлат рўйхатидан ўтган корхоналар учун, мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мақоми ва кафолатлар сақлаб қолинсин.

Белгилаб қўйилсинки, таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни қайта рўйхатдан ўтказишни, шунингдек кўрсатиб ўтилган корхоналарни давлат реестридан чиқаришни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга мансуб бўлмаган хорижий юридик ва жисмоний шахслар қатнашган корхоналарни рўйхатдан ўтказишни тартибга солувчи низомни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Адлия вазирлиги ва Давлат мулк қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган юридик ва жисмоний шахслар иштирокида чет элда корхоналар, шўъба корхоналар, филиаллар ҳамда ваколатхоналар ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги 55-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида низом»нинг 3-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу низом хорижий фуқаролар иштирокидаги хусусий корхоналарни ташкил қилиш, уларнинг фаолияти ҳамда уларни тугатишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларига татбиқ этилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 12 февралдаги 55-сон қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 2 июль.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Европа иттифоқи парламент ассамблеясининг 6-сессияси давомида қўмиталарда ўзаро мулоқотлар қизғин бўлаётир.***

* * *

☑ ***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг махсус вакили Герд Дитрих Меррем кеча Москвада очилган Тожикистонда миллий тотувликни таъминлаш комиссиясининг дастлабки мажлисида қатнашди.***

* * *

☑ ***Чеченистондаги барча сиёсий партия ва ҳаракатлар раҳбарларининг анжумани давом этмоқда. Унда мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ҳамда Чеченистонда мустақил Ислом давлатини қуриш масалалари муҳокама қилинмоқда. Ушбу анжуман Чеченистон Бош вазирининг ўринбосари Мовлади Удугов қароргоҳида ўтказилмоқда.***

* * *

☑ ***АҚШ сенати учта давлатни — Венгрия, Польша ва Чехия республикасини НАТОга қабул қилиш масаласида розилик берганлигини маълум қилди. Маълумки, ушбу мамлакатлар яқин кунларда Мадридда бўлиб ўтадиган саммитда НАТОга қабул қилинади.***

* * *

☑ ***Покистон ҳукумати АҚШ Марказий разведка бошқармаси (МРБ) Америка конгрессига тақдим этган ҳисоботдаги маълумотларни рад этди. Мазкур ҳисоботда Покистоннинг ўз ядро қуролини ишлаб чиқишда Хитойдан ёрдам олаётгани қайд этилган эди. Айни пайтда Хитой ҳукумати ҳам мазкур ҳужжатни «ҳеч қандай асосга эга эмас», деб топмоқда.***

БЕШ МИЛЛИОНЛИК САХОВАТ

НАВОИЙ. Хатирчи туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигини шаҳар ҳокимлиги оталиққа олиб, моддий ёрдам кўрсатди. Хусусан, табиий офатдан зиён кўрган бу хўжаликка 5 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, хўжаликдаги 43-мактаб биносини таъмирлаш, дарсликлар билан таъминлашни ҳам ҳокимлик ўз зиммасига олди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 8 июлидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	47,55	1 Норвегия кронаси	8,74
1 Австрия шиллинги	5,17	1 Польша злотийси	19,28
1 Англия фунт стерлинги	107,36	10 Португалия эскудоси	3,61
10 Бельгия франки	17,62	1 Сингапур доллари	44,34
1 Голландия гульдени	32,31	1000 Туркия лираси	0,42
10 Греция драхмаси	2,31	1 Финляндия маркаси	12,22
1 Дания кронаси	9,55	1 Франция франки	10,79
1 БАА дирхами	17,31	1 Швеция кронаси	8,26
1 АҚШ доллари	63,59	1 Швейцария франки	43,47
1 Миср фунти	18,78	1 ЭКЮ	71,32
1 Ирландия фунти	96,66	10 Жанубий Корея вони	0,72
1 Исландия кронаси	0,91	10 Япония иенаси	5,65
10 Испания песети	4,31	1000 Россия рубли	11,00
100 Италия лираси	3,74	1 Украина гривнаси	34,24
1 Канада доллари	46,21	1000 Белорусь рубли	2,36
1 Хитой юани	7,67	1 Эстония кронаси	5,02
1 Қувайт динори	210,35	1 Латвия лати	110,78
100 Ливан фунти	4,14	1 Литва лити	15,90
1 Малайзия рингги	2 5,19	1 Қозоғистон тенгеси	0,84
1 Германия маркаси	36,35	1 Қирғизистон соми	3,68

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«НУКУС-ТОШКЕНТ» АВТОБУСИ

НУКУС. Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга аҳамият берилмоқда. Бу борада «Қорақалпоқтранс» бирлашмаси ички имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Чунончи, «Нукус—Тошкент» маршрути бўйлаб автобуслар қатновини йўлга қўйилиши кўпчиликни мамнун этди. Айниқса, ёзги таътил ойларида маршрутларни кўпайтиришга эътибор берилмоқда. Ҳозир «Хўжайли—Тошкент», «Беруний—Тошкент», «Тўрткўл—Тошкент» бўйлаб автобуслар мунтазам қатнамоқда. Шу ой бошидан «Нукус-Қарши» маршрути ҳам ишга солинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

КОМИЛЖОН ҚЎШИҚ АЙТГАН ТЎЙ

Миллий қўшиқчилик

Тўрткўл. Туркманкўли қишлоғидаги аравасоз уста Худойшукур набираси... Арслонбек ва кенжа ўғли Мирзабекларга хатна тўйи қиладиган бўлди. Тўйда неча-неча йиллик орзуларини рўёбга чиқаришга бел боғлади. Уста ва унинг аёли Санам биби «Болаларимизнинг тўйида Комилжон қўшиқ айтса», деб ният қилган эдилар. Худога шукр. Комилжоннинг дарагини эшитиб тўйга келадиган халқнинг олдига баҳоли қудрат дастурхон ёзгудек имконлари бор. Ҳалолнинг баракаси бўлади, дейишади. Уста номи чиққан аравасоз, у ясаган от-арава, эшак-араваларнинг харидори кўп, буюртмачиларнинг изи узилмайди. Аравaнинг пухталиги, бежиримлигини кўрган буюртмачи келишилган пулдан ташқари ҳам гуруч, ёғ, совға-салом, сарпо ташлаб кетади...

Ҳамқишлоқлари Саъдулла аканинг ҳофиз Комилжон билан танишчилиги бор экан. Тўйга айтишни у бўйнига олди. Тўй кунидан бир ойлар чамаси олдинроқ Комилжон оғанинг олдига бориб келди. Хурсанд бўлиб қайтди. «Тўйда насибамиз бўлса борармиз, фақат икки-уч кун олдин яна хабар қилинг», дебдилар Комилжон оға.

Комилжон Отаниёзовни Хоразмда қандай севишса, Қорақалпоғистонда ҳам шундай ардоқлашади. Уста Худойшукурнинг тўйига Комилжон келармиш, деб эшитиб, Тўрткўлнинг тўрт бурчидан, Беруний, Чимбойдан меҳмонлар келаверди-келаверди.

...Ўчоқбошидаги аёлларнинг қулоғи даврада: Комилжон қачон қўшиқ бошлайди? Ҳартугул болалар бор, хабар етказиб туришибди. Иссиқдан ўзини панага олиб, парварда билан чойни эрмак қилаётган чол-кампирлар дамба-дам «Қўшиқ бошланса, биз қолиб кетмайлик, дарров хабар қилинг», деб қўйишади.

Комилжон оғанинг ўзига хос тиниқ, ширали овози янграши билан, бир-икки дақиқанинг ичида тўйхонанинг шовқини тинди-қолди. Тўйболаларнинг тўполончи ўртоқлари ҳам бириси энасининг тиззасига, бириси отасининг ёнига ўтирди.

Севимли хонанда халқдан зўрга рухсат олиб, даврадан сиртга чиққанида вақт ярим тундан ошган эди. Комилжон оға бир неча қийиқ тўла пулни уста Худойшукурнинг олдига қўйди: «Мана бу сизга тўёна». Ичидан бир дастасини олди: «Мана бу бизнинг хизмат ҳақимиз». Уста ҳарчанд зўрламасин, бошқа пул олмади...

Бу 1966 йил бўлган эди.

Ҳозир Тўрткўл туманининг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида қариялар бирон воқеа ҳақида эсламоқчи бўлсалар, «Агар хотирам панд бермаса, уста «Худойшукурнинг тўйига Комилжон келган йили (бир йил олдин, икки йил кейин) бўлган эди», деб қўшиб қўйишади.

Чибуқли овул фуқаролари йиғини кенгаши котиби Рустам Жуманиёзов икки киши йиғилган даврада «Мен Комилжон Отаниёзовнинг қўлига сув қуйганман», деб мақтанишини қўймайди.

Кампирларнинг айтишича, Комилжонга раққосанинг кўйлаги калталиги ёқмабди. Биринчи рақсдан кейинроқ. «Бор, кўйлагингни алмаштириб кел», деб секингина даврадан чиқариб юборибди. Қиз биттагина кўйлакда келган экан нима қиларини билмай, бир чеккада уялинқираб турганида, қишлоқ аёллари узун атлас кўйлак келтириб берганмишлар...

Халқимиз сўйган хонандаларнинг қувончли кунлар бўлмиш тўйларда ҳалол ва беминнат қилган хизматлари ана шундай ёруғ хотиралар билан эсланади. Ҳофизнинг энг катта мукофоти халқ хотирасида қолишдир.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

МАТБУОТЧИЛАР САЙЛИ

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг Тошкент шаҳар бўлими пойтахт журналистлари учун сайл ташкил этди. Ижодкорлар Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғига таклиф қилинди. Қувноқ ҳазил-мутойиба ва жозибали куй-қўшиқлар сайлга файз киритди. Тадбирда матбуот фидойиларидан бир гуруҳи эсдалик совғалари билан мукофотланди.

(ЎзА).

Ҳуқуқий тарбия

ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ УЧУН КАДРЛАР

Маълумки, ҳозирги пайтгача ҳамма жамоа хўжаликларида ҳам маслаҳатчи ҳуқуқшунослар ишламасди. Тўғрироғи уларда ана шу касбда ишловчи учун ўрин (штат) йўқ эди. Шу боисдан ҳам маҳсулот етказиб беришда шартнома бандлари тўла бажарилмас, ҳуқуқий билим етишмаганлиги учун, қайси томондир бундан катта манфаат кўрар, иккинчи томон эса қўл силтаб қўярди.

Энди Бухоро вилоятида ана шу муаммога нуқта қўйиладиган бўлди. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Бухоро Режалаштириш ва иқтисодиёт коллежида жамоа хўжаликлари учун ҳуқуқшунослар тайёрланяпти. Уч ойлик махсус курсни яқинда 76 киши битириб чиқди. Улар энди бошқарув раисларининг ҳуқуқий масалалар бўйича ўринбосарлари бўлиб ишлайдилар.

Вилоятда 180 та жамоа хўжалиги бўлиб, улар йил охиригача ҳуқуқшунослар билан тўла таъминланади. Шу ўринда савол туғилади: жамоа хўжаликлари ҳуқуқшунослар билан таъминланса басми? Фермер хўжаликлари, кичик корхоналар — хусусий мулк эгаларида бу касбга эҳтиёж йўқми?. Бор, албатта. Шу боисдан ҳам Бухорода махсус курслар эмас, балки университетда алоҳида бўлим очиш даркор. Шунда ҳуқуқий тарбияда дадил қадам ташлаш мумкин.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Намангандаги аврли газламалар ишлаб чиқариш корхонаси цехларидан бирида. Илғор ишчилардан Назира Ҳошимова ва Умида Ғоипова.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА *олган сурат.*

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«БОҒЧА КЎРМАЙ, МАКТАБГА БОРАМИЗМИ?»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 10 апрель сонида чоп этилган «Боғча кўрмай, мактабга борамизми? сарлавҳали танқидий мақоласини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ҳақиқатдан ҳам Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан «Бўстон» маҳалласи ҳудудида янги боғча қурилиши Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси режасига киритилган эди. Қурилиш ишлари бошлаб юборилган ҳам эди. Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими томонидан шу боғча учун керакли жиҳозлар харид қилиб қўйилганига ҳам бир неча йил бўлди. Лекин қурилиш ишлари тўхтаб қолди.

Боғча қурилишининг бош буюртмачиси Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси бўлгани учун биз шу ташкилотга мақолада қўйилган саволлар билан мурожаат қилдик ва қуйидаги жавобни олдик.

Боғча асосан қурилиб бўлинган бўлиб, ишларнинг тўхтаб қолиши сабабли муҳандислик коммуникациялари, хусусан, иситиш тармоқлари, газ ва канализация боғчадан анча узоқда жойлашган. Шу йилнинг охирида боғча яқинида иккита янги микрорайон қурилиши якунланмоқда. Боғчага газ, иссиқлик, канализация қувурларини тортиб келиш имконияти туғилади. Қурилишнинг капитал қурилиш бош бошқармасининг 1998 йил режасига киритилиш масаласи шу йилнинг охирида кўрилади.

Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими мутахассисларининг ахборотига кўра туманнинг «Бўстон», «Ўзбекистон», «Қаюм Муртазоев» номли маҳаллалари ҳудудида яшовчи биронта ҳам бола умумий таълим қамровидан четда қолган эмас. Болалар шу маҳаллалар атрофида жойлашган 342, 468-боғчаларга ва 169, 314, 316, 299, 320-мактабларга қатнашмоқдалар.

Туман ҳокимининг биринчи муовини
Р.РЎЗИМУҲАМЕДОВ.

«БЕМАЛОЛ ЮРИБДИ»

Рўзноманинг 1997 йил 5 июнь сонида босилган «Бемалол юрибди» сарлавҳали мақола ИИВ тергов бошқармасида унда қайд этилган ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят ишини ўрганиш билан биргаликда кўриб чиқилди.

Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида фуқаро П.Турсунов вафот этганлиги ҳолати юзасидан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, тергов натижаларига кўра, 1996 йилнинг 4 сентябрь куни Тошкент шаҳар ИИББнинг тергов бошқармаси томонидан ҳайдовчи Р.Каримовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Бунга иш юзасидан бир неча марта ўтказилган суд-автотехник экспертизаларининг жабрланувчи йўлнинг қатнов қисмига тўсатдан чиқиб қолганлиги сабабли ҳайдовчининг ҳодисанинг олдини олишга техник имконияти бўлмаганлиги ҳақида берган хулосалари ҳамда дастлабки тергов давомида тўпланган маълумотлар асос қилиб олинган.

Жиноят иши Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда ИИВ тергов бошқармасида назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, ушбу қарор асосли деб топилган.

Қабул қилинган қарор ҳақида фуқаро Л.Турсуновага қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган ва бу қарор устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиғи А.РАҲМОНҚУЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

Газетанинг 1997 йил 8 март сонида «Таржимонликда кашфиётми ёки розеткадан чиққан «пул»лар ҳамда 31 май сонида «Балиқ бошидан чирийди» сарлавҳали мақолаларнинг эълон қилиниши республикамиз банк тизимида Давлат тилининг жорий этилиши жараёнини жадаллаштиришга ижодий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Танқид келажакнинг меваси дейдилар. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, тез фурсатда мақсадимизга етамиз.

Шу муносабат билан қайд этамизки, Давлат тилини ҳаётга тадбиқ этиш масаласи доимо Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарияти диққат марказида бўлиб, бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, охирги ярим йил мобайнида мазкур масалага бир неча марта эътибор қаратилди. 1996 йил 6 декабрда чиқарилган Марказий банк раисининг 403-сонли хизмат фармойиши ва 1996 йил 20 декабрдаги Марказий банк Бошқаруви мажлиси қарорида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган қатор тадбирлар, ижрочилар ва ижро муддатлари аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, Марказий банкнинг 1997 йил 6 январдаги ҳафталик мажлисида барча ёзишмаларнинг Давлат тилида олиб борилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. Марказий банк раисининг 1997 йил 14 февраль ва 1997 йил 12 май фармойишларида Давлат тилини жорий этиш масаласи янада жиддийроқ қўйилди.

Танқидий мақолалар эълон қилиниши муносабати билан 1997 йил 14 июнь куни Марказий банкда Бош бошқармалар бошлиқлари иштирокида банк тизимида иш юритишни Давлат тилига кўчириш жараёнини тезлаштиришга бағишланган кенгайтирилган Бошқарув мажлиси ўтказилиб, унда жиддий қарор қабул қилинди.

Банк тизими ходимларининг тинмай кўрсатаётган жонбозликлари туфайли Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг амалга оширилиши борасида кун сайин ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Кейинги ойларда эришган натижаларимиз бунга мисол бўла олади. Саъй-ҳаракатларимиз суръатини янада ошира бориш яқин келажакда нафақат Марказий банк ва унинг Бош бошқармалари, балки бутун республика банк тизимида намунали даражада Давлат тилида иш юритишга ўтказиш ниятидамиз.

Марказий банк ва унинг бўлинмалари мутахассислари ҳозирги пайтда банк ихтисоси билан боғлиқ бўлган тушунчаларни англатадиган истилоҳларнинг она тилимиз лисоний манбалари асосида янги ифода воситаларини яратиш, маданий ва илмий-техникавий ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар заминида пайдо бўлаётган тушунчаларни аташ билан боғлиқ истилоҳларни қидириб топиш, зарурат туғилганда янгиларини ижод қилиш каби ишлар билан машғулдирлар.

Хуллас, иш юритишни Давлат тилига кўчириш ўта мураккаб, шунинг билан ғоят шарафли жараён бўлиб, Ўзбекистон Республикаси банк тизими ижодий аҳли мазкур вазифани тез фурсатда амалга оширишни ўзининг фуқаролик бурчи деб ҳисоблайдилар.

Марказий банк раиси
ўринбосари А.ЭРДОНАЕВ.

Маънавият сабоғи

ЎЙҒОҚ ҚАЛБЛАР БУЮК ЎЙҒОНИШЛАРГА ЭЛТАДИ

1

Камина бир қаламкаш сифатида ўқувчи ва тингловчилардан мактублар олиб тураман, телефон орқали суҳбатлашамиз, турли анжуманларда юзма-юз мулоқот қиламиз. Қувонарли ери шундаки, эндиги мулоқотлар илгариги жўнгина гап-сўзлар эмас, талаб катта, саволлар залворли, қизиқиш кучли, мушоҳада доираси кенг — дунё миқёсида! Савия баланд — мустақил давлатнинг етук фуқаросига муносиб юксакликда! Бу истиқлол шарофатининг маънавий меваларидандир. Ҳа, мактублар ҳам, савол-жавоблар ҳам асосан маънавиятга доир масалалар, муаммолар ва вазифалар ҳақида бўлмоқда. Халқимиз ўз маънавияти учун қайғурмоқда, бу борадаги айрим нуқсонлардан тезроқ фориғ бўлишни истамоқда. Қўлимизга етиб келган бир туркум мактубларда бозорлар, одамлар кўп тўпланадиган жамоат жойларида кассета-фурушлар алмойи-алжойи «куй-қўшиқ»ларни ҳаддан ташқари бақиртириб қўйиб, харидор чақираётганлари тилга олинса, иккинчи туркум мактубларда чет элдан олиб келинган, беҳаё видеотасмалар ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани айтилади. Яна бошқа муаллифлар эса таниқли, эл назарига тушган айрим санъаткорларнинг маънавияти тубанлашаётганидан ташвишланадилар, бу ҳолга бефарқ қараяпсизлар, деб қалам аҳлидан, матбуотдан гина қиладилар. «Олтмишинчи йилларда ахлоқан юз тубан кетган бир тўда таниқли санъатчилар республиканинг марказий газетасида фельетон қилиниб, айримлари фахрий унвонларидан маҳрум этилгани бугунги кекса ва ўрта авлод ёдида бўлса керак, — деб ёзади хевалик бир отахон. — Ҳаддидан ошувчиларни бир тартибга чақириб қўйилса бўлмасмикан?!»

Бу гапда жон бор. Бунинг исботи учун иккита мисол келтиришимиз мумкин.

Икки ҳаётий мисол

Биринчи мисол. Чет элдан олиб келинган бир видеотасмадан маълум бўлишича, ўтган йили қўшни республиканинг чет элга кетиб қолган собиқ фуқароси ўғил уйлантириш тўйига унвондор, мукофотдор, машҳур қўшиқчимиз бошчилигида ўзбекистонлик катта гуруҳ хонандаю созандаларни олиб бориб, зўр тантана — пул қистириш маросимини уюштиради. Салкам уч соат давом этадиган бу видеотасмада машҳур қўшиқчи ва унинг ҳамроҳларининг Андижон, Марғилон ва Чуст дўппилари остидаги бошларига қистирилган, ҳаводор қилинган, яъни ўгириб, ерга ташланган ва ипга тизиб, маржон қилинган хорижий валюталарни бошдан олиш ва ердан териш тасвирланади, улар қўшиқ айтишдан кўра кўпроқ шу «юмуш» билан машғул бўладилар. Бу воқеа чет эллик бола-бақра, ёшу қари, хотин-халажнинг шундоқ кўз ўнгида юз беради.

Шуни унутиб бўлмайдики, хорижга сафар қилувчилар, ким бўлишларидан, нима мақсадда боришларидан қатъи назар, улар Ўзбекистон вакили бўлиб борадилар, чет элликлар уларнинг қиёфасида Ўзбекистонни ва ўзбек халқини тасаввур қиладилар, уларнинг маънавиятида, ориятида халқимиз маънавияти ва ориятини ҳис қиладилар.

Мана, олти ойдан ошиб қолдики, ўша видеотасма республика бозорларида хусусий кассетачилар томонидан сотилмоқда. Ундан нусха кўчирувчилар кўп. Бундан кимга моддий фойдаю, кимларга, айниқса, ёш, ҳар нарсага берилувчан ёш авлодга маънавий зиён — шу ҳақда жамоатчилик ўйлаб кўрса арзийди.

Иккинчи мисол. Боши очиқ тижоратчи аёллардан бири, худди «Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома» томошасида бўлганидек, «улфат»лари билан гаров бойлашиб, «яқинда юбилейимни ўтказаман, эл-юртга наҳор оши тортаман, сўфи азон айтмасиданоқ тўйхонамда хотин-халаж ва эркак аралаш тўла составда радионинг «мақом»чиларини сайратиб қўймасам, фалончи отимни бошқа қўяман!» деб оғзига сўз олади. Унинг наҳор ошида ҳар тугул мақом ансамбли икки аёл хонандаси иштирокида ярим таркибда қатнашадилару, тўй эгасининг шашти бироз пасайиб қолади. Чамаси, бошқа мақомчилар Юнус ота Ражабий руҳи олдида юз-хотир қилган бўлсалар керак, балки илгаритдан ўзга тўйларга якка-якка мукаллиф бўлгандирлар, тағин ким билади, дейсиз.

Нега хомушсизлар?

Илм ва ижод аҳлининг муайян қатлами орасида амалдор ва пулдорнинг олдида қисиниб-қимтинишлар, ўзларини уларнинг олдида бир поғона бўлса-да, қуйироқ деб сезишлар, ҳақ бўлсалар-да, бир гапдан қолишлар, бўйиннни хам қилиб туриш каби ҳолатлар юз бермоқда. Бунга бир томондан ҳозирги иқтисодий етишмовчилик сабаб бўлса, иккинчи томонда эса, ўша илм ва ижод кишиларида ўз соҳалари билан, жамиятга келтирган ва келтиражак маърифий-маънавий нафлари билан фахрланиш туйғулари етишмаётгандек туюлади. Йўқ, кимда ким эл-юртга ўз соҳаси бўйича кўп наф келтирса, ўша бошини мағрур тутишга ҳақли! Илмга, ижодга Оллоҳ таолонинг марҳамати билан эришилади. Илм ва ижод мевалари зўр машаққатлар эвазига ҳосил қилинади.

Бир донишманд айтибдики, инсон зотининг жони омонат, мулки омонат, вақти омонат, ҳаммаси ўлчовли, вақтинчалик берилган. Билсангиз, ҳақиқат доим оғир, доим аччиқ бўлади. Лекин охири ҳар доим хайрли бўлиб тугайди. Нопоклик — ширин кўринади, хурсандчилик билан келади, лекин охири хор-зорлик, ёмон, бедаво касалликлар, азоб-уқубат ва ёмон ўлим билан тугайди.

Илм ва ижоднинг фазилатлари

Муқаддас китобларда ёзилишича, дунё, яъни мол-мулк нопок бўлса, у эгасини чақади, ҳаром-ҳариш топилган нарса қабрда азоб беради.

Билимли одам илмига амал қилса, қабрда то қиёмат роҳатда ётади.

Муллои боамал бесўроқ жаннатга киради. Мол-мулк эгаси ҳар бир топган нарсаси учун, тийиндан триллионга қадар жавоб беради: «Қандай топдинг?», «Қаерга, нимага, кимга сарф қилдинг?», «Ҳалолга сарф қилдингми, ёки ҳаромга сарф қилдингми?» деган қатъий саволларга жавоб бергувчидир. Ҳаромдан топиб, ҳалолга сарфлаш ҳам гуноҳ. Ҳалолдан топиб, ҳаромга сарфлаш ҳам гуноҳ. Ҳаромдан топиб, масалан, хайрсадақа қилиш, ҳатто масжид қуришга сарфлаш ҳам нораво, ҳаж зиёратига бориш ҳам. Фақат ҳалолдан топиб ҳалол ишларга сарфлаш савобдир.

Илм эгаси илмига амал қилган бўлса, жаннатнинг олийсидан жой олишига ваъда қилинган.

Пайғамбарлардан ҳам фақат илм қолган. Агар дунё қолган бўлсайди, уларни аллақачон бошқалар ўзлаштириб юборган бўлардилар. Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидирлар.

Илмнинг аввали қайсию, охири қайси? Илмнинг аввали Оллоҳ таолони танишдир. Охири эса яна Оллоҳ таолони топишдир. Валлоҳи аълам.

Дунёни сарфласангиз — тугайди. Илмни сарфласангиз — кўпаядики, озаймайди.

Дунё кўпайса, посбон керак. Илм кўпайса, посбон керакмас.

Илмликнинг дўсти кўп бўлади, дунёманднинг душмани кўп бўлади.

Мол-дунёни унинг эгасини маҳв этиб олса бўлади. Илмни тортиб олиб бўлмайди.

Инсон вафот этса, мол-дунёси бу дунёда қолиб кетади, илм эса ўз эгаси билан бирга кетади.

Илм ҳақида юқорида айтилган ўн хил таъриф ҳадиси шарифлардан бўлиб, улар бул тариқа юзага келибди: Бир куни ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллолоҳу алайҳи ва саллам «Мен илмнинг шаҳри бўлсам, Ҳазрат Али илмнинг дарвозасидир» дебдилар. Буни эшитган ўн нафар ғаним кишилар ўзаро кенгашиб, «Алига олдинмакейин «Мол-дунё афзалми ёки илм афзалми?» деган бир хил савол берамиз, қани у ҳаммамизга бир хил жавоб берармикин ёки турли хил жавоб қиларми-кин?» деб келишибдилар. Шунда уларнинг бир хил саволларига ҳазрат Али ўн хил жавоб берибдилар. Улар қойил қолиб, синамоқчи бўлганликларини билдирганларида, ҳазрат Али «То қиёмат шу савол билан келсангиз ҳам, ҳар гал ўзгача жавоб қилган бўлардим» деб жавоб берибдилар.

Ҳа, илмнинг чегарасию, фазилатининг адоғи йўқ. Илмли одам ҳам бу дунёда, ҳам у дунёда шарафлидир, яъни «Ал илму шарафат ун-дунё вал охират».

Ижоднинг нафи ва фазилатлари илм ва илм эгаларининкидан кам эмас, албатта. Бу ҳақда биз эмас, илм кишилари ёзсалар одобдан деб биламизда, шу борада бир олимнинг фикрини келтириб қўйиш билан чегараланамиз: «Ижодкор осон яраланадиган, қийин тузаладиган, осонгина йўлини йўқотадиган, қийналиб йўл топадиган, бу оламда ўзи билан ўзи жуда қаттиқ курашадиган, бениҳоя зиддиятли ва мураккаб бир мавжудотдир.»

Фармон ўйга толдирди

Шундай бўлди, бу Фармонни ўқиб, узоқ ўйга толдим. Аввало унинг номи кишини ўйлатиб қўяди: «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида». Демак, марказ фаолиятини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш зарур. Бинобарин, маънавий-маърифий ишларимиз бугунги юксак талаблар даражасида эмас. Юртбошимизни, республика ҳукуматини худди мана шу нарса ташвишга солмоқда.

Маълумки, яхши умидлар билан республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази тузилганига уч йилдан ошди. Ўтган давр тарих учун, айниқса, инсоннинг маънавий камолоти учун ниҳоятда қисқа. Бироқ шиддатли ва шижоатли истиқлол замонамиз учун катта бир муддатдир. Айтиш мумкинки, республикамизда миллий давлат қурилиши ва уни мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётини йўлга қўйиш, ташқи ва ички сиёсатни мўътадил олиб бориш ва шу каби соҳаларда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқларга қараганда маънавият борасида юксалиш кўнгилдагидек эмас. Бошқа соҳалардаги муваффақиятларга солиштирганда маънавий-маърифий ишлар оқсамоқда.

Муҳтарам Президентимиз томонидан мазкур Фармоннинг чиқарилишига мана шу узилиш сабаб бўлган ва у киши зукколик билан ўз вақтида буни сезиб, бу узилишнинг олдини олиш тадбирини белгилаган.

Юртбошимизнинг Сирдарё, Жиззах, Наманган ва бошқа вилоятлар кенгашларида сўзлаган нутқларида шу нарса ошкор бўлдики, маънавият ва маърифат соҳасидаги нуқсонлар бошқа жабҳалардаги оқсашларга олиб келган. Демак, маънавият ва маърифатда тубдан бурилиш ясамай туриб, турмуш фаровонлигига эришиб бўлмас экан. Маънавият ва маърифатни юксалтириш учун эса бу соҳага аввало ўзи маънавиятли ва маърифатли бўлган шахслар раҳбарлик қилишлари шарт. Бироқ вилоят ҳокимликлари бу ишга етарлича эътибор бермоқда, деб бўлмайди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳайъатига ушбу марказнинг вилоят бўлимлари мудирлигига ҳокимиятлар томонидан тавсия этилган шахсларнинг кўпчилиги давр талабига жавоб беролмасликлари маълум бўлиб қолди.

Маънавиятлиликнинг бош белгиси аввало масъулиятни сезишдир. Ҳамма-ҳаммаси ана шундан бошланади. Маърифатли бўлмаган одамдан масъулиятни талаб қилиб ҳам бўлмайди. Лоақал дипломида кўрсатилган ўз ихтисоси бўйича саводсиз одамда маънавият нима ҳам қилсин?

Чамаси, айрим мансабдор шахслар раҳбар одамларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тавсия қилиш борасида етарлича талабчанлик — масъулият сезмаяптилар. Масаланинг бир томони шу бўлса, иккинчи томони эса, маънавиятга асосий урғу бериб, маърифий-маданий ишларни эътибордан соқит қилиб қўймоқдалар.

Масалан, мактаблар, кутубхоналар, маданият масканлари, жумладан, истироҳат боғлари назардан четда қолмоқда. Ваҳоланки, маънавият, маърифат, маданият эгизак соҳалардир, бир-бирига боғлиқ жабҳалардир. Бири эътибордан четда қолса, иккинчисида кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Маънавият ва халқлараро муносабатлар

Одатда, бу сўз «халқлараро» деб эмас, «халқаро» деб ишлатилади. Бизнингча, бу нотўғри. Чунки «халқаро» деганда бир халққа тегишли бўлади. «Халқлараро» дейилганда эса камида икки ва ундан ортиқ халқларга тааллуқли бўлади.

Инсоният кечмишини бир-бир кўз олдимиздан ўтказсак, мутлақо сокин замон бўлмаганини кўрамиз. Сокинлик ҳам нисбий тушунча ўзи. Дунё кенг, мамлакатлар кўп. Бирида тинчлик бўлса, иккинчисида ғала-ғовур. Дунё ўзи шунақа яратилган экан-да.

Кўҳна тарихнинг шоҳидлик беришича, элим деб, юртим деб ёниб яшовчи давлат бошлиқлари азалдан аввало ўз мамлакатида, қолаверса, ўз минтақасида, сўнгра бутун Ер юзида тинчлик-осойишталик бўлиши учун қайғуриб келганлар. Ягона сайёрада яшар эканмиз, бутун инсоният тақдирдошдир. Ҳадиси шарифда айтилишича, кемага тушганнинг жони бир. Бу ўринда кема деганда коинот денгизида айланиб юргувчи она сайёрамиз назарда тутилмоқда.

Ғалаба байрами арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари билан ўтказилган мулоқотдан аён бўлдики, юртбошимиз замона тинчлиги учун ана шундай юксакликдан туриб қайғурмоқда. У мазкур мулоқотда илк бор маънавиятлиликнинг халқлараро муносабатлардаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб ўтди.

Ҳамиша уйғоқ қалблар буюк Уйғонишларга олиб боради. Бу йўлда республикамиздаги сиёсий партиялар ҳам ўз Дастури ва Низоми доирасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга даъват этилган. Бунда биринчи навбатда партия фаоллари, айниқса, етук илм ва ижод аҳли олдинги сафда боришлари, бошқаларга маънавият бобида ўрнак бўлишлари лозим. Биз бу ўринда илгари даврда бўлганидек, «дўпписини деса, бошини оладиган», «ур йиқит, сур йиқит» қабилидаги «танқидбозлик»ни назарда тутаётганимиз йўқ, асло. Биз тушунтириш ишларини ва ўзи намуна бўлиб, етакчилик қилишни кўзламоқдамиз, холос. Ўрнак бўлишнинг тарбиявий ва таъсир кучи каттадир.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.

3 **4**

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Кеча Сеулда Россия — Жанубий Корея ҳукуматлари иқтисод ва илмий техник ҳамкорлик комиссиясининг биринчи мажлиси ўз ишини бошлади.

* * *

Мадридда ўтадиган НАТОга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви арафасида «муайян тафовутлар»ни мувофиқлаштириш бўйича расмий равишда келишиб олинди.

* * *

Босния ва Герцоговинани ўз таркибига олган Серб республикаси ҳукумати Президенти Билян Плавшичнинг парламентни тарқатиб юбориш ҳақидаги қарорини бекор қилди, чунки уни конституцияга зид деб топди.

***

Перу Президенти Алберто Фухимори шахсий муаммоларга ўралашиб қолди. Унинг собиқ рафиқаси Сусана Хигучи биргаликдаги турмуш давомида тўпланган мол-мулкни 1,2 миллион долларга баҳолаб, Президентдан шунча пул тўлашни талаб қилмоқда.

* * *

Антверпен шаҳрининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари икки кишини ҳибсга олиб, уларнинг шахсини аниқлашда қизиқ фактларга дуч келди. Улардан бири шу йилнинг 24 январида қамоққа олинган Россия фуқароси Андрей Козленко бўлиб чиқди. У «Голден Ад» компаниясида молиявий ҳуқуқбузарликларни амалга оширганликда айбланиб ҳибсга олинган эди. Рикардо Франчини «Кремль ароғи» компаниясини банкротга учратганликда айбланган.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

«Дейли Телеграф» газетаси Россия дипломати Платон Обухов иши бўйича мақола эълон қилган. П.Обухов Буюк Британия фойдаси учун жосуслик қилганликда айбланаётгани илгари хабар қилинган эди. Газетанинг маълумотига кўра, Обухов кейинги 15 ой мобайнида Россия ҳибсхоналари ҳамда руҳий шифохоналарида ўтказган ҳаётини батафсил қоғозга туширган. Айбланувчининг очиқ хати мақолада келтирилади. Хатда у ҳокимият вакилларини ҳисбдагилар ҳуқуқини поймол этганлик, шунингдек, уларга оғир жисмоний чоралар қўллаганликда айблайди. Бундан ташқари Обухов китоб ёзиш учун қоғоз ҳамда сиёҳ талаб қилади. Маълумки, Платон Обухов 18 номдаги китобларнинг муаллифидир.

* * *

60-йилларда ўнлаб британиялик болалар мутахассис олимлар қўлида ҳар турли тажрибалар учун синаб кўрилган, дея ёзади мазкур газета бошқа бир мақолада. Бу болалар Британиягагина хос бўлган дауна касалига чалинганлар. Олимлар 2 ёшдан 13 ёшгача бўлган болаларни ўзларининг тажриба объектлари қилиб олганлар. Болаларда янги препаратлар синаб кўрилган. Тажрибалар натижасида бир неча бола ҳалок бўлган. Бошқалари эса ёруғликдан қўрқадиган бўлиб қолганлар. Айримларида безгак касали пайдо бўлган. Мақола сўнггида муаллифнинг ёзишича, бу болалар тажриба қилинган биринчи ҳолат эмас.

* * *

«Санди Мирроу» газетасининг ёзишича, 1994 йилда Камилла Паркер Боуэл ўзини ўлдириш даражасида бўлган. Газета мухбирининг ишончли манбаларига таяниб ёзишича, ушбу ҳолат шаҳзода Чарльзнинг телесуҳбатларидан бирида Боуэлга ишқий алоқаси борлигини маълум этганидан сўнг пайдо бўлган. Ўша пайтдаёқ Камилла шаҳзоданинг бу қадар оғзи бўшлиги муносабатларнинг узилишига олиб келишини билган.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Кеча эрталаб Испания ташқи ишлар вазири Абел Матутес билан АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт суҳбатлашди. Кечқурун эса Испания ҳукумати раиси Хосе Мариа Аснар Испанияда меҳмон бўлиб турган АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди.

* * *

Кеча НАТОнинг Европадаги қуролли кучлари қўмондони Жорж Жоул-Ван Босниягa келди. Кўп миллатли кучларни мувофиқлаштириб туриш хизматининг матбуот марказидан ҳабар беришларича унинг ташрифи Сербиядаги воқеаларга боғлиқ эмас. Америкалик генералнинг нияти НАТОнинг Босниядаги тинчликни ўрнатиш кучларини яна бир бор кўрикдан ўтказиш.

* * *

Швеция Қизил Ҳоч қўмитаси қашшоқликда кун кечираётган Тожикистон пойтахти — Душанбе аҳолисига моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Яқин кунлар ичида мазкур қўмита Тожикистонга 5,1 миллион Швеция крони, яъни 671 минг АҚШ доллари ҳажмида ун, туз, қуруқ мева ва ўсимлик ёғини юборади.

ЭЗГУЛИККА ҚАРАТИЛГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб киргач, ушбу нуфузли халқаро тузилманинг кўпгина дастурлари ва бўлинмалари билан кенг ҳамкорликда иш юрита бошлади. Жумладан, БМТнинг ЮНИСЕФ — Жаҳон болаларни асраш ташкилоти билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари сўнгги йилларда самарали ривожланди. Ана шу ҳамкорлик қирралари ҳамда ЮНИСЕФ томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган ёрдам дастурлари хусусида БМТнинг ушбу бўлинмасининг мамлакатимиздаги вакили жаноб Ханна Геттнер билан мулоқотда бўлдик.

— Жаноб Ханна Геттнер, аввало, ЮНИСЕФ тузилмасининг дунё сиёсатида тутган ўрни ва унинг асосий вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Шуни таъкидлаш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ бўлинмаси жаҳон бўйича аёллар ва болаларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Бугунги кунда дунёда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари қанчалар долзарб масала бўлса, ана шу масаланинг таркибий қисми бўлган аёллар ва болалар муаммолари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саломатликларини яхшилаш ҳам энг долзарб ва муҳим масалалардан саналади. ЮНИСЕФ жаҳон миқёсида турли мамлакатларнинг оналарини ва болаларини соғломлаштириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларини бартараф этиш, оғир дамларда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишдек эзгу вазифаларни амалга оширади. Жаҳоннинг жуда кўп давлатлари ушбу тузилма билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар.

— Ўзбекистон Республикаси билан ЮНИСЕФ ўртасидаги муносабатларни сиз қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон майдонига чиқаётган илк дамлардаёқ раҳбариятингиз ўз сиёсатида аёллар ва болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта эътибор бериш мақсадида эканлигини яхши сезган эдик. Чиндан ҳам, бугунги кунга келиб биз Ўзбекистонда шахсан Президентнинг ҳамда ҳукуматнинг олий муассасаларининг аёлларга ва айниқса ўсиб келаётган ёш авлодга қанчалар катта эътибор, ғамхўрлик билан қараётганликларини кўриб турибмиз. Шунинг учун ҳам ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиши, муносабатларни ривожлантириши жуда осон кечмоқда. Шуни айтиб ўтишим керакки, ташкилотимиз Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликка қаратилган бир қанча муҳим шартномаларни имзолаган. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бизнинг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциямизни имзолаган ҳамда бу ҳужжат Ўзбекистон Олий Мажлисининг рўйхатидан ўтган. Бир сўз билан айтганда ЮНИСЕФ билан мамлакатингиз ўртасидаги алоқалар рисоладагидек ва қонуний йўл билан самарали ривожланмоқда. Бу ривожланишнинг суръатига мен юқори баҳо бераман.

— Жаноб Геттнер, ЮНИСЕФ ваколатхонасининг Ўзбекистонда болалар соғлиғини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Ўзбекистондаги соғлиқни сақлаш жараёнига биз ўзимизнинг баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз. Айниқса, болалар касалликларига қарши эмлаш борасидаги ишларимиз муваффақиятли амалга ошган лойиҳаларимиздан саналади. ЮНИСЕФ ташаббуси билан 1994-1995 йилларда Ўзбекистонда болаларнинг хавфли хасталиклари — фалаж, бўғма, камқонлик кабиларга қарши Миллий эмлаш кунлари ўтказилди. Биз мазкур тадбир учун катта миқдорда махсус доривакциналарни етказиб бердик. Қилинган ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ. 1995 йилда республикангизда ана шу касалликлар билан оғриган бирорта бола аниқланмади. ЮНИСЕФ билан Ўзбекистон ўзаро ҳамкорликда амалга оширган бу эзгу иш кўплаб болаларни ўлим хавфидан халос қилди.

— Шунингдек, Оролбўйи минтақаси аҳолисига ҳам ёрдам кўрсатмоқдасиз, шундайми?

— Ҳа, шундай. Орол денгизи атрофида жойлашган ҳудудлар, асосан Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига биз ноёб дори-дармонлар етказиб бермоқдамиз. Бу минтақадаги экологик нохуш вазият биринчи галда болалар ва оналарга салбий таъсир кўрсатмоқда. ЮНИСЕФ мутахассислари ана шундай инсон саломатлигига салбий таъсирларни бартараф этишга қаратилган дорилар, тиббий ускуналар, шунингдек маслаҳатлар билан Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишим керакки, ЮНИСЕФ нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки Туркманистоннинг Тошовуз, Қозоғистоннинг Қизил Ўрда номли ҳудудларидаги аҳолига ҳам ёрдам кўрсатиб, бутун Орол атрофидаги минтақаларда ўзининг эзгу фаолиятини олиб бормоқда.

— Жаноб Геттнер, соғлиқни сақлашдан ташқари яна бошқа соҳаларда ҳам иш олиб борасизларми?

— Ҳа, албатта, бизнинг фаолият доирамиз болалар ва аёллар саломатлигини ҳимоя қилиш билангина чекланиб қолмайди. ЮНИСЕФ ваколатхонаси шунингдек таълим, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби долзарб масалаларда ҳам Ўзбекистонга ёрдам кўрсатмоқда. Бу соҳаларда бизнинг бир қанча лойиҳаларимиз ҳаётга муваффақиятли тарзда татбиқ этилган.

— Энди келгуси режаларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Режаларимиз жуда кўп. Уларнинг ҳар бирини айтиб ўтиш кўп вақтни талаб этади. Шунинг учун комил ишонч билан айтаманки, келгусида бизнинг Ўзбекистон билан йўлга қўйилган алоқаларимиз янада ривожланади. ЮНИСЕФ Ўзбекистонда ўз фаолият доирасини янада кенгайтиради. Мамлакатингиз болаларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва албатта Оролбўйи минтақаси аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича янгидан-янги лойиҳаларни ишлаб чиқамиз ва ҳаётга татбиқ этамиз.

Хайрулло НУРИДДИНОВ суҳбатлашди.

Эътироф

СЕФ ваколатхонасининг Ўзбекистонда болалар соғлиғини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти хусусида ҳам тўхталсангиз.

БУ САФСАТА ЭМАС

Чеченистон Президенти Аслан Масхадов ҳар куни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарларини қабул қилиб, республикада одамларни ўғирлаб кетиш муаммолари бўйича уларнинг фикрини эшитишга қарор қилди. Яқинда у ҳудди шу масала юзасидан мамлакат қонунни ҳимоя қилувчи органларининг раҳбарларини қабул қилди. Масхадов раҳбарлардан ушбу шармандали воқеаларга барҳам беришни кескин талаб қилди.

* * *

Кеча Варшавада Европа Иттифоқи парламент ассамблеясининг VI сессияси ўз ишини давом эттирди. Унда қитъадаги 54 мамлакатдан 300 парламент аъзоси иштирок этмоқда. Шунингдек Канада ва АҚШ вакиллари ҳам меҳмон бўлиб келишган.

* * *

Американинг ҳарбий саноатида катта ўзгариш рўй берадиганга ўхшайди. АҚШнинг «Локхид-Мартин» деб номланган йирик ҳарбий саноат компанияси «Нортроп-Грумман» номли компанияни 11,6 миллиард долларга сотиб олмоқда. «Локхид-Мартин» президенти Норман Огастиннинг таъкидлашича, компаниянинг мазкур хариди АҚШда ишлаб чиқарилаётган қуроллар сифати ва ҳажмини оширишга имкон яратади ҳамда Америка ҳарбий саноати мавқеини оширади.

Тақдир ҳазили

БЕТАЙИН ЎЙИННИНГ ЖАЗОСИ

Бирма. Рангунда янги йилни ғалати ўйинлар билан қарши олишади. Тейн Кийни кўпчилик «бетайин» деб ҳисоблайди. Чунки у ҳамиша ҳангоматалаб ёш-ялангни йиғиб «томоша» кўрсатгани-кўрсатган. Бу гал ҳам худди шундай томоша қўймоқчийди.

Янги йил арафасида одамлар бир-бирига қалтис ҳазиллар қилишни, сувга бўктириш одати бор. Шунданам Тейн Кий балон идишчага сув тўлдирди-да, катта йўл ёқасида ўткинчи машинани пойлай бошлади.

Машина ёнидан ўтаётганда ҳайдовчини боплаб «сувга бўктирмоқчи» бўлиб баллондаги сувни юз-кўзига сачратиб «ота» бошлади. Бундай қўпол ҳазилдан бехабар ҳайдовчи бўлса, қўрқувдан ўзини тия олмаяпти.

Будда дини руҳонийси эса Тейннинг «бу»—»одат», «ўйин», «ҳазил» деган эътирозини мутлақо эшитишни ҳам истамади.

Полиция ўйинқароқни дарҳол ҳибсга олди. Бу гал Тейнга ҳазили қимматга тушди — олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Бирма полицияси бу урф-одатга қарши қаттиқ жазо чораси кўришга мажбур бўляпти. Кейинги пайтларда «сувга бўккан» кўплаб кишилар қаттиқ тан жароҳатиям олаяпти.

Ҳатто баллондан сув пуркаш оқибатида қанча одамлар ёруғ оламни кўриш бахтидан маҳрум бўлди. Хиёбонларда сайр қилиб юрган қариялар эса қўрқувдан юрак хуружига учраяпти. Полиция қанчалик курашмасин баъзи «бетайин» «ўйинқароқ»лар барибир «сув ўйини»дан ўзини тия олмаяпти.

Бирмаликаларга-ку «сув сепиш» одат экан. Лекин ҳозир ўзимизда ҳам шунақа «одат» оралаб қолган. Болаларнинг ўйинчоқ тўппончаларига сув тўлдириб «отиш»и русум бўп кетди. Очиғи, ўғлимнинг ҳам шундай тўппончаси бор. Гоҳида беҳосдан «отиб» қолса муздек сувдан чўчиб тушаман.

Ҳазил яхши нарса. Албатта, ўз ўрнида бўлса. Бирмалик полициячилар жуда тўғри қилади. Аслида бу одат бошқачароқ йўсинда ўйналган бўлса керак.

Дунё халқларининг «Янги йил ҳазиллари» билан қизиқсиндим. Қадимда бирмаликлар янги йил покликдан бошлансин, дея бир-бирларига сув сепишаркан.

Ҳа, ҳозирги баллон идиш ёки тўппончадан отишнинг бирмаликларга ҳеч алоқаси йўқ. Бетайиндан чиққан ўйин бетайинлиги ростга ўхшайди.

Саида БОНУ тайёрлади.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

ЯРИМ АСР УМР КЎРДИ

Коннектикут штати. Дунёдаги энг узоқ яшаган ит Нью-Хейвен шаҳрида яшайди. Фритци лақабли бу машҳур «қўриқчи»ни штатдагилар у ёқда турсин, бутун Америкада яхши билишади. Қора қулоқ Фритци 1945 йилда туғилган.

Юнис Коллинз азбаройи итига қараш учун ярим кун ресторанда официант-югурдак бўлиб ишлайди. Бекасининг айтишича, Фритци Иккинчи жаҳон уруши тугаганда унинг амакисининг фермасида туғилган. 1952 йилда амакиси оламдан ўтгач ит Фритци 350 дан ортиқ итваччаларнинг отаси, буваси-да.

Фритцининг ҳамма авлоди шу атрофдаги фермерлар қўлида «соқчи», «қоровул», «уй пойлоғич», «кўча назоратчиси» бўлиб ишларкан. Ойимқизларга эрмаклари-ю, хонимларга «йўл бошловчи»ларини-ку айтмасаям бўлади. Шунақа, уларни «палаги тоза ит»лардан дейишаркан.

Қария Фритци ҳалиям хизматда — истеъфога чиқмаган.

— Кўриниши яхши, тетик, 14 та тиши бор ҳали оғзида, — дейди репортёрларга 58 ёшли Юнис хоним. — Унинг шу қадар машҳур бўлиб кетишига ветврачимиз сабаб бўлди. Бир куни у Фритцини одатдаги кўрикдан ўтказгани келди-ю оилавий альбомимизда эски суратдаги Фритцини кўриб қолди. Фритци туғилганда Оқ уйда Гарри Трумэн президент эди. Маҳаллий газета уни «Гарри Трумэн даврида туғилган ит» деб ёзди-ю, ҳаммаёққа овоза бўп кетди...

Коллинзлар хонадонига келиб қолган. Аниқроғи, Юнисниг туғилган кунида совға тариқасида инъом этишган эмиш. Шу-шу у шу ерда яшаб, ўзидан кўпайган. Бунга ҳеч ҳайрон бўлманг. Ахир Хозиргача дунёдаги энг кекса ит 29 йил яшагани қайд этилган. Фритцининг ёши бўлса ярим асрдан ошиб кетди. Уни Гиннеснинг рекордлар китобига киритишса ҳеч кимнинг ҳаққи кетмас экан.

Ахир ҳар қандай кучукаям 8—10 нафар президентни «кўриш» насиб этмайди-ку?! Фритцини шунинг учун ҳам «машҳур ит» деб таърифлашса, ажабмас.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Жаҳон халқлари шеъриятидан

АЛ МАНСУР

Олмон мумтоз адабиёти, шеъриятининг кўплаб сара асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Бу эзгу ишлар ҳозирги кунда ўзгача бир мазмун касб этаётир. Эндиликда олмон шеъриятидан намуналарни аслиятдан таржима қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугун эса буюк олмон шоири Ҳайнрих Ҳайненинг шарқ мавзуидаги «Ал-Мансур» балладасидан парча келтирамиз. Уни атоқли ўзбек шоири Абдулла Шер аслиятдан ўзбекчага ўгирган.

Курдобада қадим жоме бор,
Устунлари унинг ажойиб.
Улар уч минг уч юз полвондек
Тутиб турар улкан гумбазни.
Ул устунлар, гумбаз, деворлар
Қутлуғ нақшлар билан безалган.
Доноликнинг гулзори каби
Товланади унда оятлар.
Бу жомени қодир Оллоҳнинг
Шарафига қурмиш халифа,
Лекин Вақтнинг қора гирдоби
Ўзгаришлар қилмиш бешафқат.

* * *

Ал Қалъада, кўҳна қасрда
Шовқин тиниб қўнди сукунат.
Жаноблару хонимлар кетиб,
Аллақачон ўчди шамлар ҳам.
Ал Мансур ва Донна Клара
Улкан залда қолмишлар танҳо.
Сўнгги шам ҳам милтиллар ёлғиз
Боши узра уларнинг бу пайт.
Ўриндиқда ўлтирар хоним,
Жумард эса кичик курсида,
У хонимнинг тизза ларига
Ҳорғингина бошини қўймиш.
Хоним тўкар олтин идишдан
Ёниб-жўшиб атиргул мойин,
Ал Мансурнинг қўнғир сочига,
Лекин жўмард ҳўрсинар тушда.
Хоним тўкар ғунча оғзидан
Ёниб-жўшиб ўпичларини
Ал Мансурнинг қўнғир сочига,
Лекин жўмард чимрилар тушда.
Хоним тўкар шаҳло кўзидан
Ёниб-жўшиб инжуларини
Ал Мансурнинг қўнғир сочига,
Лекин жўмард ғижинар тушда.
Тушда эса, яна бош эгиб
Турганича гумбаз остида.
Курдобанинг жомесида ул
Тинглар ўзга бир шовқин.
Унда улкан, полвон устунлар
Ғичирларди норози бўлиб,
Чидай олмай шармисорликка
Силкинарди титраб бирма-бир..
Сўнг йиқилар ҳаммаси бирдан.
Қавму кашши бўз бўлиб қотар:
Қулаб тушган гумбаз остида
Дод соларди насроний худо.

Ҳайнрих ҲАЙНЕ

ДУНЁНИНГ БАҒРИ КЕНГ.

Содиқжон МАҲКАМОВ олган сурат.

БУГУНГИ ЛОНДОН.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 8-iyul, seshanba № 79 (22.163).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҲАҚ СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

(Саид Аҳмад суҳбатларидан)

Қатта ёзувчиларнинг ҳар бир суҳбати бир олам: қанчадан-қанча теша тегмаган, етти ухлаб тушингга кирмаган гаплар... Кўпинча булар унинг ёдидан ҳам чиқиб кетади, чунки қалби жўшқин, ақли тийрак ёзувчининг ҳар бир қадами ўзи бир янгилик, оҳори тўкилмаган ибора...

Бир куни Саид Аҳмад энг яқин дўсти (одоб юзасидан унинг исми-шарифини айтмадик) ҳақида кутилмаганда шундай деб қолди:

— Шу дўстимни жонимдан ҳам яхши кўраман. Тилла одам. Аммо ўзини ёмон кўриб қолмайин деб асарларини ўқимайман.

Яна бирда (йўл-йўла-кай) шундай лўқма таплади:

— Бу шоирни яхши кўраман. Шоирларнинг ҳаммасиям хунук бўлишади. Аммо бунинг асари гўзал. Шунинг учун жонимдан суяман уни.

— Сен бадиий ижод билан шуғулланмаган, асар ёзмаган бўлсанг ҳам, — деди яна бир яқин дўстининг юзига. — Яхши ташкилотчисан. Ёшларни қўллайсан. Асарини бостиришга қийналаётган талантларга ёрдам берасан. Шунинг ўзиям катта гап.

Суҳбатлардан бирида телестудия раҳбарларидан ҳазилкашроғи Саид Аҳмад акага қараб:

— Бугун телетомошабинлар ҳуснингиздан ҳўп

1

АДОЛАТ ПОСБОНЛАРИ УСТОЗИ

Ҳаётда шундай кишилар бўладики, улар ўзларининг фидойиликлари, меҳрибонликлари, саховатпешалиги билан авлодлар қалбидан чуқур жой олиб, кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлади.

Шундай ажойиб инсонлардан бири — кўпгина ҳуқуқшуносларнинг устози Вали Қосимовдир. У Тошкент ҳуқуқшунослик институтини тугатгандан сўнг меҳнат фаолиятини Адлия вазирлигида бошлади. Кўп ўтмай, 26 ёшидаёқ, Сурхондарё вилояти адлия бошқармасига раҳбар қилиб тайинланади. У кишидаги меҳнат шижоати, катта ғайрат, ташаббускорлик, иқтидорлилик сифатлари вилоят раҳбарлари назарига тушиб, эл қалбидан жой олди. Натижада Вали Кабировичдаги такрорланмас истеъдод у кишини раҳбарлик лавозимига кўтарилишга омил бўлди.

Эҳтиром

В. Қосимовнинг ҳаёт тажрибаси ниҳоятда бой. Суҳбатлашган одам Вали акани ng катта тажрибасидан баҳраманд бўлади.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Прокуратураси фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил январдаги «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Транспорт прокуратураси ташкил этилиб, республика Транспорт прокурори вазифасини бажариш Вали Кабирович зиммасига юклатилади. У кишининг ғайрат-шижоатлари туфайли республика Транспорт прокуратураси, давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилувчи муҳим

соҳада ҳам интизом ва қонунчиликнинг таъминланиши анча яхшиланди.

Вали ака ҳали сафда мустаҳкам турибдилар. Ўз шогирдлари билан бир жону бир тан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг муҳим соҳаси — Статистика, таҳлил ва тарғибот бўлимига бошчилик қилиб келмоқда.

Ўзлари бошқараётган бўлимни Олий хўжалик судининг муҳим таркибий қисмига айлантириш, мустақил диёримизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ёш кадрларга ўз ҳаётий тажрибаларини улашиш у кишининг эзгу ниятларидир.

Абдумажид ШУКУРОВ,
юридик фанлари номзоди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

мириқишаркан-да, — деб кулди.

Жавоб:

— Шунинг учун ёнимда бир бемаза «ижодкор»ни ҳам олволганман-да. Томошабинларингиз менинг ҳусни-жамолимдан эмас, унинг тузсиз сўзларидан қайт қилишади!?

Эндигина бир-икки ҳикояси чиқиб гердайган ёш ёзувчини қурсатиб:

— Унинг тўмтоқ қаламидан бошқа ҳеч вақоси йўқ, — деди.

Ҳадеб пашшахўрда бўлаверган, бир-икки асарини таҳрир қилдириб мазахўрак бўлиб қолган «шогирди»га хафа бўладиёв демасдан дангал:

— Иккинчи марта менга асарингни олиб келма, — деган экан табиатан ҳазилкаш, юморга бой Саид Аҳмад ака кескин оҳангда!

— «Уфқ» Саидахондан ёдгорлик, — деб қолди устоз ёзувчи бир суҳбатда. — Шунинг учун трилогиямни унга атаганман. «Рости, агар Саидахон бўлмаганда ўзбек адабиёти «Уфқ»сиз қоларди. Ёзувчи ўз қаҳрамонлари ичида бўлиши керак, деб Ёзёвонга, ҳеч нарсаси йўқ бийдек чўлга кўчиб бордик икковимиз. Раис битта уйни бизга берган. Мен ёзишим керак, Саидахон овқатповқатга қараши керак. Қаёқда, ҳали у-ҳали бу ёзёвонлик, узоқ-яқиндан фарғоналик дўсту ёрлар қургани келишади. Судраб олиб кетишади. Саидахон иккимиз меҳмон кутишдан қўлимиз бўшамай қолди. Охири тоқати тоқ бўлган Саида шундай шарт қўйди:

— Эртадан сизни «бетоб», дейман. Ҳеч кимни қўймайман.

— Йўқ, ростданам ҳайдагандан ҳайдади. «Уфқ»ни пешма-пеш ўзи машинкалади.

Агар Саида бундай қилмаганда мен «Уфқ»ни ёза олмасдим. Табиатимни биласизлар-ку...

Бир тенгқур, амалдор ёзувчидан қаттиқ ранжиб айтгани:

— Ўзи мен билан жуда яхши. Янги «Уфқ» асаримни ўқиганини коридорда айтиб: «Классик асар бўпти!» деди. Муҳокамада минбарга чиқиб шу чайналади. Олти юз экан. Кўнглим қолди.

Саида опадан мен ҳам умрбод миннатдорман! Негаки дастлабки «Қанотлар» қиссамнинг тақдири у билан боғлиқ: 1966 йили дунё юзини кўрди! У кезларда Саида опа

2

Ёзувчилар уюшмаси қошидаги ёш ёзувчилар билан ишлаш комиссиясининг раиси эдилар. Илк асаримни кўпчилик — Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулом, Шукур Холмирзаев, Анқабой Қулжонов, Шотурсин Ғуломов, Ваҳоб Рўзиматов ва бошқалар ўқиган бўлса ҳам уни журналда чоп этиш масаласи Саида Зуннунова ga бориб тақалди. Боиси — қиссада шаҳарлик студентларнинг пахта теримига чиқиши ўзига хос норозилик оҳангидай таассурот қолдирганида эди. Чунки унда бир йигит кўричак бўлиб қолади, бошқаси бетоб, домлалар йигит-қизлар севгисига аралашади. Шу сабабданми Саида опа асар қиёмига етгач, шартта мени «Шарқ юлдузи» журналига бошлаб борди. Бўлим мудирларидан бири:

— Мен биринчи бўлиб ўқиганман уни. Авторга ҳам айтганман. Тили, ёзилиши яхшию йирик ижтимоий муаммо йўқ, — деди у.

— Ўқиб эстетик завқ олдингизми? — деб сўради ушанда Саида опа.

— Ҳа...

— Шу ҳозир энг катта муаммо! — деди Саида опа. — Уюшманинг ёшлар билан ишлаш комиссияси асарни журналда босишга тавсия этади.

У бироз ноқулай бўлгандай бўлиб қолди... Ва: «Марказий Комитетнинг қишлоқ хўжалик бўлимидан рухсат олиб келсангиз, чунки қиссада сиз студентларнинг пахта теримига чиқишига қарши чиқяпсиз. Подтекстида шундай. Агар яқин орада бутунлай машина теримига ўтилиши аниқ бўлса, қиссангизни чоп этамиз», — бу гапларни ҳозир тушунса бўларди. Ўша «совет даври»да одамлар чумчуқдан қўрқиб тариқ экишмас эди!

Мен марказий комитетга бордим. Тегишли ходимларга учрашдим. Улар: «Э, бемалол қиссани босаверишсин, ҳалибери биз пахтани юз фоиз машинада теришга утолмаймиз», — дейишди, енгил нафас олиб, келиб Носир акага айтдим...

Билмадим, агар Саида опа ушанда аёлларга хос қатъий турмаганда, ёшларга қуйинчаклиги, ўз мавқеи-шуҳрати бўлмаганда қиссамнинг ҳоли не кечарди? ... У биргина менга эмас, бошқа кўпгина ёш ижодкорларга ҳам қанот бахш этди...

Ҳамид ИКРОМОВ.

3

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси республикамиз Мустақиллигининг 6 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида телемарафон сценарийлари учун очиқ танлов эълон қилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Муаллиф томонидан тақдим қилинадиган сценарийларда истиқлолнинг ойдин йўли, Ватандан фахрланиш, миллий ғурур ва фахр, ватанпарварлик, иймон-эътиқод, мерос ва анъаналарга ҳурмат, Мустақиллик ютуқлари, тафаккурнинг ўзгариши, халқлар дўстлиги, миллий қадриятларнинг қарор топиши, юрт мустақиллиги учун курашган аждодларимиз руҳи, мавзуларни қамраб олмоғи, уларни телерадиомарафонда устувор йўналиши сифатида бадиий акс эттирмоғи лозим.

Танлов муддати шу йилнинг 20 июлигача

Танлов мукофотлари:

1-ўрин — Юз минг сўм

2-ўрин — Етмиш минг сўм

3-ўрин — Эллик минг сўм

Сценарий уч нусхада бўлиб, 25—30 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Муаллифлар ҳамфикр ва ҳамкорлик қиладиган режиссёрни тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

Танловга бир ёки бир неча муаллиф қанташишлари мумкин.

Сценарий қўлёзмалари таҳрир қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов иштирокчилари исми-шарифлари ва турар-жойларини аниқ кўрсатган ҳолда ўз сценарийларини қуйидаги манзилга жўнатишлари лозим:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69 уй
Ўзбекистон Телерадиокомпанияси
тел: 41-04-34, 33-81-06.

«САИДУСМОН» ЧОЙЛАРИ

Бугунги кунда ҳаётимизни чойсиз тасаввур этиш қийин. Бу неъмат дастурхонимизга тортиқ қилинганига кўп асрлар бўлди. Ҳатто эрамиздан аввалги 2700 йилларга оид Хитой қўлёзмаларида ҳам чой ҳақида маълумотлар бор. Шифобахш бу гиёҳнинг ватани ҳам Хитойдир. Чойга маза берувчи, унинг биологик хусусиятларини аниқловчи, ошловчи моддалар, эфир мойлари, алкоидлар, дармондорилар, маъданлар ақлимизни пешлашда, ўзимизни тетиклаштиришда муҳим омиллардан саналади. Чой таркибидаги танин овқат ҳазм бўлишини, ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди, турли микробларга қирон келтиради. Катехинлар эса қон томир деворларини мустаҳкамлайди, қон босимини пасайтиради. Чойдаги кофеин моддаси ҳақида гап йўқ. Соғлом кишини янада бардам қилади, уйқуни қочиради, кайфиятни созлайди. Эфир мойларининг ҳосияти ҳам чексиз.

Чой таркибидаги дармондорилардан асосийси ҳисобланган «С» витамини яшовчанликни оширади, касалликка чалинмасликка имкон беради. Бундан ташқари «Р» ҳамда «В» гуруҳига кирувчи дармондорилар ҳам борки, уларсиз соғлом ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, глютелин ва альбуминлар, аминокислоталар саломатлик учун муҳим ҳисобланади. Фосфор, кальций, магний, темир, йод, мис, фтор каби маъданлар танамизни, саломатлигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Чойнинг асл нави Хитой, Ҳинд, Цейлон, Краснодар номлари билан улуғланади. Зеро, истаймизми-истамаймизми халқ ўртасида ҳинд чойига ихлос катта. Бунинг боиси, ҳинд чойи энг тоза, хушбуй, хуштаъм ҳисобланишидир. Шифобахш

Шифобахш гиёҳлар

гиёҳли бундай ичимликдаги ўзига хос ҳосияту фазилатларни инобатга олиб, «Она ва фарзанд» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида соғлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи янгича чой дамлаш усули кашф этилди.

Бундай чойлар омухталиги билан фарқланиб, чанқоқбосди, тетиклаштирувчи, кайфият ҳосил қилувчи аломатлари билан ажралиб туради. Унга «Саидусмон» саломатлик чойи деб ном берилиши ҳам шундан.

Саломатлик чойини яратишда ҳар бир кишидаги меъёр, яъни иссиқ ёки совуқ мижозлилигига кўпроқ аҳамият берилди. Асосан инсон мижози ва қон босими даражаси инобатга олинди. Шифобахш чойни тайёрлашда ҳинд ёки хитой кўк чойларини маълум нисбатларда омухта қилишга аҳамият бериш зарур.

«Саидусмон» меъёр чойини тайёрлаш учун қора ва кўк чой нисбати 0,6:1,0 булса кифоя қилади. Бундай чойнинг иссиқлик мижозига мойиллигини таъминлаш учун нисбатларни 1,0:0,68 га тенглашга тўғри келади. «Саидусмон» совуқлик чойини яратишда 0,5:1,0 нисбатга мувофиқ омухта тайёрланади.

Ана шундай нисбатларда тайёрланган қора ва кўк чойлар яхшилаб аралаштирилади, ёруғ утказмайдиган, намга бардошли идишларда сақланади. Бундай чойлардан кўпроқ наф кўриш учун уни тўғри дамлашни ҳам билиш керак. Бунинг учун қуйидаги қоидаларга риоя этиш лозим: хусусан, чой идиш фақат керагида очилади, сув бир карра қайнаб чиқиши керак, чойнак тоза бўлиши зарур. Чойнак — (0,5 литрли) қайнаган сув билан чайилгач, бир чой қошиғида қуруқ чой солинади. Чойнакка ярим пиёла қайноқ сув қуйиб, уни 30—60 сония қиздирилади. Сўнг чойнак қайноқ сув билан тўлдирилиб, 1,5—3,0 дақиқа чўг, ўчирилган газ плитасининг устига қўйиб, дам берилади. Сўнг чойнак устига махсус қалпоқча кийдирилади. 5—6 дақиқа тургач, 2—3 марта қайтарилади. Ана энди бундай чойни 3—4 ҳўпламли қилиб пиёлаларга қуйиш мумкин.

Ботир САИДОВ,
«Она ва фарзанд» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ТИЖОРАТ ДЎКОНЛАРИ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида мижозларингизни узлуксиз равишда музқаймоқ билан таъминлашни хоҳласангиз,

мурожаат қилинг. Улар сизга қаймоқли, шоколадли, сариёғли, мевали ва бошқа маҳсулотлардан тайёрланган турли музқаймоқларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Тўлов усули — пул ўтказиш йўли билан.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй.
Телефонлар: 93-34-34, 91-30-17, 93-35-55.

ПЕШҚАДАМЛАР БЎШ КЕЛМАС

Спорт

Маълумки, олий табақа жамоалари мамлакат футболининг асосий замини ҳисобланади. Бош жамоамизга етук футболчилар, умуман ўринбосарлар ана шу жамоаларда шаклланади ва камол топади. Мамнуният билан эътироф этиш керакки, миллий чемпионатимиз истиқлол йиллари ўзига хос ривожланиш босқичини ўтамоқда. Боиси, бу йилги чемпионатни бўлтурги ёки ундан олдинги йилдагига қиёслаб бўлмайди. Ғолиблик ва пешқадамлик учун кураш тобора шиддатли тус олмоқда. Биз буни олий лига жамоаларининг миллий чемпионатининг дастлабки давраси ўйинларида, кўрсатилган маҳоратлардаёқ ҳис этдик. Биламиз, «Нефтчи» қатор йиллар мобайнида чемпионликни бой бермаган бўлса-да, лекин МҲСКга ўхшаб ўйинлар жадвалининг дуранг ва мағлубият устунида фақат «нуль» рақами тўрмаган.

Мана дастлабки даврани тугашига бор-йўғи уч тур ўйинлари қолди. МҲСК жамоаси эса чемпионлик йўлида ҳамон дадил одимламоқда. 14 та ўйин, шунча ғалаба, тўплар нисбатию тўпланган очколар ҳам ҳаммани кидан зиёда. Мухлислар эса МҲСК «машинасини» ким тўхтатиб қоларкин деб ўйлаганлари ўйлаган. Сирасини айтганда, «Пахтакор» бу ғолиб командани қабул қилиб, яхши ўйин кўрсатди. Тўпни ҳам биринчи бўлиб дарвозага урди. Ишқибозлар кўнглида наҳотки МҲСК дастлабки мағлубиятини тан олса, деган фикр пайдо бўлди. Қаёқда дейсиз. Пешқадам пешқадамлигини қилди. Иккита жавоб тўпи киритиб, ғалабани илиб кетди.

Қисқача мушоҳада қиладиган бўлсак, дастлабки давра мобайнида юқори ўринларни эгаллаб турган жамоалар мавқеида ўзгариш бўлмайдигандек кўринади. Чунки, МҲСК, «Нефтчи» «Дўстлик», «Навбаҳор», борингки «Пахтакор» учун ҳам битта ёки иккита ноқулай учрашув бор, холос. Айтайлик, мухлислар МҲСК—»Навбаҳор», МҲСК—»Дўстлик», «Пахтакор»—»Нефтчи» ёки «Нефтчи»—»Навбаҳор» учрашувлари қандай бўлишини кутишлари табиий. Бўлиб ўтган 14-турда эса қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Чилонзор»—»Бухоро» — 1:2, «Насаф» — «Хоразм» — 4:3, «Дўстлик» — «Косонсой» — 3:1, «Зарафшон»—»Атласчи» — 4:0, «Андижон»—»Суғдиёна» — 2:3, «Янгиер»—»Нефтчи» — 1:3, «Навбаҳор»—»Трактор» — 4:2, «Сурхон»—»Афросиёб» — 0:0, Бугун 15-тур ўйинлари бошланади.

ТДМО қошида ташкил этилган лицей томонидан Ҳамидова Малика номига берилган OR — A № 041426 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Ҳамза номли 6-ўрта мактаб томонидан 1988 йилда Музаффарова Ж. номига берилган А №751515 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари раҳбарияти либосчи Муминахон Раҳмоновага отаси **Жумабой ҲАСАНОВнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзматбаа-таъминот Республика корхонаси жамоаси бош директор муовини Зокиржон Каримович Хошимовга волидаи муҳтарамаси **ЖАМИЛАБИБИ АЯнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.